

УВАЙС ҚАРОНИЙ ЗИЁРАТГОҲИ

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бош мутахасиси:

Ш.Ахмаджанова

Бугунги кунда рамзий қабрлари турли давлатларда жойлашган азиз авлиёлардан бири бу Увайс Қаронийдир.

Бу зиёратгоҳ халқ тилида Балиқ кўл номи билан аталади. Ушбу зиёратгоҳ диққатга сазовор жойлардан бири бўлиб, Ўзбекистон моддий ва маданий меъросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига 2019 йилда тасдиқланиб киритилган.

Увайс Қароний зиёратгоҳи халқ тилида балиқ кўл деб аталувчи ушбу маскан Наманган вилояти Чортоқ тумани Боғистон МФЙ да жойлашган жойлашган.

Зиёратгоҳга остона ҳатлаб қадам кўяр экансиз гарчи бошимиздан қиздириб турган қуёшнинг заррин нурлари майин эсаётган шабодда олдида ўз кучини йўқотгандай гўё. Ўнг тарафда дам олиш айвони, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, тўғрида музей ҳамда кутубхона, мақбара унинг ёнида айвон, 1400 ўринга мўлжалланган масжид, замонавий талабларга мос ва ҳос тарзда бунёд этилган меҳмонхона ҳамда кўлни кўришингиз мумкин. Бу масканни кўркига кўрк қўшиб турган манзарали дарахтлар, ям-яшил майсалар, очилган гулларнинг таровати димоғингизга урилади.

Бундай ўзига хослик миллийликдан четга чиқмаган ҳолатда замонавийликни ўзида мужассамлаштира олган барча шароитларга эга ҳолатда, ташриф буюрувчи ҳар бир зиёратчини кўнглини олишга тахт қилиб қўйилган. 2017 йил 7 июл куни юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга қилган ташрифи давомида берилган кўрсатмалар асосида Увайс Қароний зиёратгоҳнинг 6 гектар майдонида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, 1 минг 500 тупдан ортиқ манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди. Султон Увайс Қароний мақбараси тўлиқ қайта қурилди.

Масканда зиёратчилар бўлишига қарамай атрофни сукунат чулғаб олгандек жимжитлик. Сув бўйига яқинлашган сари табиатнинг майин қуйлаётган оҳангига

гувоҳи бўласиз. Майин эсаётган шабодда эса ҳудди сочларингизни ўйноқлаб ўтади. Қўлнинг юза қисми шабодда таъсирида жим-жима қилаётгани, сувлари тиниқлигидан сув остида тебранаётган сув ўсимликлар, охиста ҳаракатланаётган балиқларни ойнадек тиниқ ҳолда кўришингизга имкон беради. Балиқларни кузатар экансиз салгина қаттиқ эсан шабоданинг кучига ўзларини сув ўтлари орасига олишади.

Атрофни кузатар эканман ўрта ёшлардаги икки аёлга кўзим тушди. Улар нималарнидир пичирлаб сўзашар эди. Қўлларида қора елим ҳалта. Секингина ўрнимдан турдимда уларга ҳалақит қилмаган ҳолда аста секин қадам ташлаб отиб борайтиб беҳоста улардан бири мени тўхтатди ва шундай деди:–“ қизим ушбу нарсалардан ол сен ҳам Яратгандан неки яхши-ниятларинг, истакларинг бўлса шуларни чин дилдан сўраб буларни кўлдаги балиқларга ташла деди, шоша пиша уларнинг қўлларидаги елим ҳалтага қўл чўздим, саволомуз қараган кўзларимга тушунган аёл булар нон, ширинликлар, қантлар улар умринг давомида нондай азиз, ҳаётинг ушбу ширинликлар каби ширин бўлсин, ниятларинг яратгандан ижобат бўлишини биз ҳам тилаб қоламиз!, ол қизим кўпроқ олиб олгин дея иккинчи аёл ҳам кўлидаги елим ҳалтадан ҳовучимга тўлдириб солиб қўйди!” Шу онда ичимдан муздек тер чиқиб танам жимирлаб кетди яни ҳақ тилида айтганда (шув этиб кетди) уларга қараб турар эканман. Уларнинг бу ишларига яшиндек содир бўлган бу воқеаларга бироз қарахт бўлиб туриб қолдим. Оз фурсат ўтгандан сўнг мен ҳам ҳовучимдаги нарсаларни ушлаб олган ҳолда Яратгандан ичимда барча тилакларни, орзу-истакларимни айтиб дуо қилдим ва қўлимдагиларни кўлга ташладим. Шу онда сув бетини балиқлар эгаллаб олди.

Сувнинг тиниқлигидан юқоридаги масжид ҳамда мақбарани аксини кўришингиз мумкин. Буларни кузата туриб кўнглингизни алланечук ҳаёллар чулғаб олади. Гўё тарих ўз сир-синоатларини сўзлай бошлагандай.

Бу бинолар моҳир усталар томонидан зўр маҳорат билан қад ростлаганига гувоҳ бўласиз. Масжид қишлоқ аҳолисига бемалол хизмат кўрсата олади. Одатдагидек намозларни адо этиш билан биргаликда Жума, Ҳайит намозларини ўқишга мўлжалланган. Масжиднинг тўтр томонида тўртта минора бўлиб ҳар бирига овоз

кучайтиргичлар ўрнатилган, Азон чақирилаётганини қишлоқ аҳолиси бемалол эшитишга имкон беради.

Ёнидаги бино эса Пайғамбаримизга ғойибона ошиқ бўлган Увайс Қароний мақбарасидир. Мақбарада у кишининг қабри жойлашган. Бу таббарук зотнинг қабрлари еттита давлатларда бўлиб: Озарбайжон, Сурия, Туркия, Яман, Тожикистон, энг қувонарлиси бизнинг юртимизда Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилояти Чортоқ туманида рамзий қабрлари жойлашган.

Уларнинг мақбаралари квадрат шаклда қурилган бўлиб қаранг икки томони эшиқ, қолган бир-бирига қарама-қарши томони эса дераза қилиб қурилган. Тепаси катта гумбаз.

Шунингдек 1 минг 400 ўринга мўлжалланган масжид, мақбара ёнида айвон, замонавий меҳмонхона, музей ва кутубхона, 3 та фаввора, дам олиш айвонлари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бунёд этилди.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, Бугунги кунда ташриф буюрувчилар учун барча шаоиртларга эга бўлган меҳмонхоналар хизмат кўрсатиш шаҳобчалари барпо этилган. Айниқса сўфийлик издошлари бу манзилни алоҳида қадрлайдилар. Чунки Увайс Қароний ушбу йўналишнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Келган зиёратчилар ташвишларини сўзлаб ниятларига ижобат сўрашади. Чин дилдан ибодат қилиб кўнгилдаги энг эзгу-истакларига йўл излашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Интернет тармоғи
2. Зиёратгоҳга бориб шу ер қишлоқ аҳолисининг оғзаки сўзларидан
3. Зиёратгоҳ атрофида ёзилган маълумотлардан олинган.